

2019

## DISCLAIMER OF MISTAKES IN THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ABU-L-MU'IN NASAFI IN DOGMA ISSUES (BASED ON THE WORK OF «BAKHR AL-KALAM»)

Saidmukhtor Okilov

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, s.oqilov@iiau.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), [Islamic Studies Commons](#), and the [Terrorism Studies Commons](#)

---

### Recommended Citation

Okilov, Saidmukhtor (2019) "DISCLAIMER OF MISTAKES IN THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ABU-L-MU'IN NASAFI IN DOGMA ISSUES (BASED ON THE WORK OF «BAKHR AL-KALAM»)," *The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 1.*

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**Saidmukhtor OKILOV**

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF  
UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD, docent of the  
Department of Islamic Studies 3324кузкузқвакв м and  
ISESCO International Islamic Academy of Uzbekistan,  
candidate of historical sciences. [s.oqilov@iiuau.uz](mailto:s.oqilov@iiuau.uz) II,  
A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

**АБУЛ МУ'ИН НАСАФИЙ ИЛМИЙ  
МЕРОСИДА АҚИДАДА АДАШГАН  
ОҚИМЛАРГА РАДДИЯЛАР  
(«БАХР АЛ-КАЛОМ» АСАРИ АСОСИДА)**

**ОПРОВЕРЖЕНИЕ ЗАБЛУДШИМ  
ТЕЧЕНИЯМ В НАУЧНОМ НАСЛЕДИИ  
АБУЛА МУ'ИН НАСАФИ В ВОПРОСАХ  
ДОГМЫ (НА ОСНОВЕ РАБОТЫ «БАХР  
АЛЬ-КАЛАМ»)**

**DISCLAIMER OF MISTAKES IN THE  
SCIENTIFIC HERITAGE OF ABU-L-MU'IN  
NASAFI IN DOGMA ISSUES (BASED ON  
THE WORK OF «BAKHR AL-KALAM»)**

**Калит сўзлар:** *Мовароуннаҳр, калом, ақида, аҳли сунна вал жамоа, мотуридия, му'тазилия, «Хизб ат-тахрир», хорижия, экстремизм.*

**Ключевые слова:** *Маверауннахр, калам (богословие), 'ақида (теология), ахли сунна вал джама'а (ортодоксальный ислам), матуридия, му'тазилия, «Хизб ат-тахрир», хариджия, экстремизм.*

**Key words:** *Mawera'annakhr, kalam, 'akida (theology), akhl as-sunna wa-l-jama'a, maturidiya, mu'tathiliya, «Khithb at-takhrir», kharijiya, extremism.*

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг исломшунослик соҳасининг турли йўналишлари қаторида калом илми тарихи ва калом илмига оид бизгача етиб келган тарихий асарларни манбашунослик жиҳатидан тадқиқ этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Шундай асарларни манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш давомида ундаги кўтарилган масалаларнинг ҳам тарих, ҳам замонавий мафкуравий жиҳатлари, аҳамиятларини ўқувчига ёритиб бериш давр талаби бўлиб қолмоқда. Чунки тарихда ҳам уламолар хоҳ тафсир илми бўлсин, хоҳ фикҳ бўлсин, хоҳ ақида масалалари бўлсин, доим бир-бирлари билан баҳс-мунозаралар олиб борганлар. Мана шундай мунозаралар натижасида янги-янги адабиётлар дунё юзини кўрган. Темурийлар даврига назар ташласак, Сайид Шариф Журжоний билан Саъиддин Тафтазо-

нийнинг (*Palvanov O', 2019:307-311*) ақоид масаласидаги мунозаралари, ёки тафсир соҳасида ўз даврининг етук муфассир-олимларидан Хожа Хурд Азизон, Абу Бакр Сиддик авлодидан бўлмиш Хожа Муҳаммад Тоҳир кабилар ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб турган (*Makhsudov D., 2019:31*). Чунки тарихдан калом илми жуда мураккаб ва муҳим илм ҳисобланган эди (*Oqilov S., 2008:5-6*).

Ўрта асрларда ҳам ақидавий масалаларда қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган. Масалан, бухоролик машҳур мутакаллим олим Нуриддин Собунийнинг хуросонлик Фахриддин Розий билан қилган мунозараларида мотуридия таълимотининг энг пешқадам вакили – Абул Муин Насафий катта эҳтиром билан тилга олинган. Албатта, Абул Муин бундай эҳтиромга сазовор бўлган аллома ҳисобланган. Мазкур мақоламизда айнан шу олимнинг илмий меросига, аниқроғи «Баҳр ал-калом» асарига мурожаат қилишга ҳаракат қилдик. Умуман олганда, ўрта асрларда ақида масаласида учта ақидавий мактаблар шакллланган эди: Бағдодда ашъария (*Ash'ariy Abul Hasan. 1994:16*) таълимоти, Мисрда таҳовия (*Sagdiev Kh., 2016:160-173*) ақидаси ва Мовароуннаҳрда мотуридия таълимоти.

Абул Муин Насафий (1026–1114) шахсияти ҳақида узоқ тўхталиб ўтишга ҳозирги кунда унчалик эҳтиёж йўқ. Чунки бу алломанинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида кўплаб мақолалар ёздик ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳам талайгина чиқишлар қилдик. Лекин, шундай бўлса ҳам мақоламизнинг бошида бу алломанинг нақадар буюк олим экани ҳақида замонамизнинг олимлари томонидан билдирилган қуйидаги иккита эътирофни ҳавола қилишнинг ўзи кифоя бўлса керак: Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асарини нашрга тайёрлаган туркиялик мотуридийшунос олим Ҳусайн Отай у ҳақида шундай фикрни ифодалаган: «Мотуридия таълимотининг энг машҳур мутакаллим олими Абул Муин Насафийдан кейин унинг йўлида ва тизимида у каби шахс хали етишиб чиқмаган» (*Otay H., 1978; Oqilov S., 2008*). Шунингдек, «Табсират ал-адилла» асарининг биринчи ношири Фатҳуллоҳ Хулайф китобнинг муқаддимасида шундай деган эди: «Ашъария таълимотини Ғаззолийсиз, Боқиллонийсиз, Шаҳристонийсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, мотуридия таълимотини ҳам Абул Муин Насафийсиз тасаввур қилиб бўлмайди» (*Moturidiy Abu Mansur. 1979:5*).

Олимнинг шон-шухрати, унинг мотуридия таълимоти ривожига ўрни ўқувчиларимизга равшан экан, энди унинг асарларига мурожаат қилиш ҳамда унда кўтарилган мавзуларнинг мафкуравий аҳамиятини ёритиб бериш орқали Абул Муин шахсиятига ёндашишда янгича услуб билан йўл очган

Мазкур мақолада матуридия таълимотининг машхур вакили Абул Муин Насафий қаламига мансуб «Бахр ал-калом» асарининг замонавий нусхалари ҳақида маълумот берилган. «Бахр ал-калом» асарининг тузилиши, тили ва мавзуларининг энгил ифодаланганлиги билан Абул Муин Насафийнинг шоҳ асари – «Табсират ал-адилла»дан кўра ўқувчиға матуридия таълимотининг осон тушунишида анча қулай экани очиб берилган. «Бахр ал-калом» асарининг замонавий танқидий учта нашри мавжуд қўлғезмалар асосида манбашунослик нуктаи назаридан таҳлил қилинган ҳамда замонавий нашрлар орасида энг қулай китоб қайси экани эътироф этилган. Шунингдек, асарда кўтарилган ақидавий мавзуларнинг бугунги кундаги экстремистик оқимларға қарши мафкуравий аҳамияти ҳақида таҳлилий маълумотлар берилган. Мақолада «Бахр ал-калом» асарида хорижийларнинг нотўғри ақидавий қарашлари ҳамда уларнинг ўз эътиқодларига Қуръон ва ҳадисдан келтирилган далилларни нотўғри талкин қилишлари Абул Муин Насафийнинг фикрлари билан фош қилингани баён қилинган. Шунингдек, суннийлик ақидасига (аҳли сунна вал жамоа) зид бўлган «Ҳизб ат-таҳрир» ва ИШИД экстремистик оқимининг ботил эътиқодларига мафкуравий раддия беришда «Бахр ал-калом» асарининг манбашунослик аҳамияти илмий таҳлиллар асосида очиб берилган. «Бахр ал-калом» асарининг нафақат матуридия таълимоти тарихини ёритишда, балки одоб-ахлоққа тарғиб, ишбилармонликка ундов ва боқимандаликка қарши жиҳатлари ҳам мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган.

В данной статье приводится информация о современных изданиях произведения «Бахр аль-калам», приписываемого известному матуридскому ученому Абул Му'ин Насафи. Статья освещает легкодоступность произведения «Бахр аль-калам» читателю по своему языку, строению и выражению тем, при изучении матуридского учения, чем выдающаяся работа Абул Му'ина Насафи «Табсират аль-адилла». Проведен источниковедческий анализ трех современно-критических изданий произведения «Бахр аль-калам», на основе имеющихся рукописей, а также указана самая новейшая публикацию книги, которая считается легкой при чтении.

Также, освещены аналитические сведения об идеологической роли догматических тем произведения, в борьбе против современных экстремистских групп.

В статье изложены сведения о разоблачении искаженных догматических взглядов хариджитов, а также их неверные истолкования аятов Корана и хадисов Пророка, в защиту своих убеждений, со стороны Абул Му'ина Насафи, которые приводятся в произведении «Бахр аль-калам». Кроме этого, на основе научных анализов раскрывается источниковедческая значимость произведения «Бахр аль-калам», при приведении идеологического опровержения заблудшим убеждениям, партии «Хизб ат-таҳрир» и современно-экстремистской группе ИГИЛ, которые противоречат догмам суннизма. На основе примеров, произведение «Бахр аль-калам» предоставляется не только, как труд по освещению истории матуридского учения, но и раскрываются также аспекты книги по призыву к нравственности, стремлению к предприимчивости и удержанию от беспечности.

This article provides information on the modern editions of «Bakhr al-kalam» attributed to the famous Maturidi scholar Abu-l-Mu'in Nasafi. The article is covered in the following publications: «Bakhr al-kalam», devoted to the study of the language, the study of Maturidite teachings, than the outstanding work of Abu-l-Mu'in Nasafi «Tabsirat al-adilla». A source of analysis of three modern and critical editions of «Bakhr al-kalam», based on the available manuscripts, and the most recent publication of books, which is considered easy to read, was carried out.

In addition, analytical information about the ideological role in dogmatic topics and in the struggle against modern extremist groups is covered.

The article «Bakhr al-kalam» provides information on the exposure of the distorted dogmatic views of the Kharijites, as well as their misinterpretations in relation to the Qur'an and Hadith using the views of Abu-l-Mu'in Nasafi. In addition, authentic «Bakhr al-kalam» works are published on the basis of scientific analytical materials, which cite the ideas of the ideological refutation of lost beliefs, Hezbal-Tahrir and the modern-extremist ISIS group, which contradict the dogmas of Sunnism. Based on examples, the work «Bakhr al-kalam» is provided not only when studying the history of mankind, but also when revealing in it all aspects of the book devoted to the call for morality, the desire for enterprise and retention from carelessness.

бўламиз. Насафий жуда таҳликали, хатарли, мафкуравий курашлар авж олган даврда яшаб ижод қилган. Маънавий устози Абу Мансур Матуридий (*Ahmad al-Hazbiy. 2000; Ahmet A., 2008; Kutlu S., 2003; Oqilov S., 2017*) (853–944) нисбатан бағрикенг ва мафкуравий тинч жамиятга эга сомонийлар даврида яшаб, гўё бир аср оралиғида Имом Абу Ҳанифа ақидаси негизида шаклланган қарашларини Абул Муин Насафийга узатгандек туюлади. Чунки айнан Абул Муин Насафий Матуридийнинг қарашларини том маънода зувала ҳолига келтириб, тандирда пишириб халқнинг онгига маънавий

озуқа қилиб бера олди. Бу заҳматли ишда Насафий «Табсират ал-адилла» асарининг бебаҳо кадр-қимматини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳаттоки, Абул Муин Насафий вафотидан биров кейин Моваруннахрга қадам қўйган машхур ашъария олими Фахриддин Розий ҳам айнан «Табсират ал-адилла» асари олдида ўзини ожиз ҳисоблаган. Ўша даврда матуридия ва ашъария ўртасида бир қанча ақидавий ихтилофлар пайдо бўлган эди (*Abu Azba. 1996*). Шу сабабдан ҳам ўз даврида Абул Муин Насафий матуридия таълимотини ашъария таълимотидан ҳам ҳимоя қилган.

Биз мазкур мақоламиз объектларини «Табси-рат ал-адилла» асарига мурожаат қилишдан кўра, энгил услубда ёзилган «Бахр ал-калом» номли муъ-жазгина асар орқали очиб беришни лозим топдик. Чунки «Табсират ал-адилла» асари бир денгиз ми-солики, унинг ичига кирган инсон ўз мақсадини «денгиз»нинг қайси соҳилида тугатишини билмай, каловланиб қолиши табиий. Бу асар Имом Моту-ридий «Китоб ат-тавҳид» асарининг шарҳини, ҳа-нафий олимлар ҳақидаги энг бирламчи, ноёб би-блиографик маълумотларни, тарихий воқеаларни, бошқа самовий динлар тарихини ўз ичига олган дурдона асардир.

«Бахр ал-калом» (Oqilov S., 2008:66-72) асари алломанинг бизгача етиб келган «Табсират ал-адилла» ва «ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид» асар-ларидан анча энгил, равон тил ва услубда ёзилган. Абул Муин Насафий «Бахр ал-калом» (Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2000; Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005; Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2014) асарида бошқа асарларидаги каби дастлаб илмнинг маърифати ва Аллоҳни та-ниш каби ақидадаги энг зарурий масалалар билан бошлайди. Китобнинг дастлабки бетлариданок муътазиллия, қадария ва жаҳмия каби аҳли сунна вал жамоа эътиқодига зид оқимларга раддиялар бе-ради. Насафий уларнинг фикрига «عندنا» (бизнинг наздимизда) ёки «وقلنا» (ва биз айтгамиз) иборалари билан раддия беради. Бунда Абул Муин Насафий, шубҳасиз фақат ҳанафия-мотуридия ақидавий қарашларини назарда тутди. Энди умумий маъ-нода, яъни шофий, ханбалӣ, ашъарӣ олимла-рининг фикрларини келтирадиган бўлса «وقال أهل السنة والجماعة» (аҳли сунна вал жамоа айтади) деб бошлайди.

Абул Муин таъкидлашича, бизнинг наздимизда (яъни мотуридияда) Аллоҳ ўз илми билан олим зот-дир ва «илм» унинг жамики азалий сифатларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам У содир бўл-ган ҳодисадан олдин унинг қачон содир бўлиши-ни ва содир бўлмаган ҳодисанинг содир бўлганида қандай ҳолатда бўлишини билгувчи Зотдир. Чунки унинг илми жамики воқеалардан олдинда бўлади (Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2014:44). Насафий ушбу фи-крларига Қуръондан «Намл» сураси 65-оятни да-лил келтиради:

قُلْ لَا يَعْلَمُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ الْغَيْبَ إِلَّا اللَّهُ وَمَا يَشْعُرُونَ أَيَّانَ يُبْعَثُونَ

Маъноси: Айтинг: «Осмонлар ва ердаги бирон кимса гайбни билмас, магар Аллоҳгина (билур)»...

Шундан сўнг муътазилӣ, рофизӣ ва қада-рийларнинг «Аллоҳ ҳали яратмаган ёки мавжуд қилмаган нарсаларнинг илмини билмайди», деган ботил эътиқодларини келтириб ўтади.

Асарнинг кейинги бетларида Абул Муин Наса-фий ақл ҳақида фикр юритишга ўтади. Шу ўрин-да «Бахр ал-калом»нинг учта нашри диққат билан солиштирилганда, иккита нашрда тадқиқотчи-но-ширлар ақл мавзусини ундан аввалги мавзуга, яъни муътазилӣларнинг юқоридаги билдирган фикрла-рига улаб юборишган. Натижада эса, ўқувчида ақл ҳақида келтирилган фикрлар муътазилӣ, рофизӣ ва қадарӣларники, деган хулоса ҳосил бўлиб қо-лиши мумкин (Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2000:84-85; Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2014:64). Асарнинг Байрут нашрида ношир ақл ҳақидаги мавзуни алоҳида фасл қилиб ажратган ва ўқувчининг мавзуни тўғри тушуниб олишига қулайлик яратиб берган (Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:16).

Насафий ақлга катта урғу беради ва инсоннинг ҳаёти давомида доим ақлини ишга солиши ва ақл у учун Аллоҳ томонидан берилган катта неъмат эканини таъкидлайди. Асарда таъкидланишича, аслида илм ақлдан афзалдир (Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:16).

Кўпчилик мутакаллимлар ақлнинг илмдан устун эканини таъкидлайдилар. Шу ўринда замо-навӣ экстремистик оқимлардан «Ҳизб ат-таҳрир» илмдан кўра ақлни устун қўяди. Уларнинг наздида илм олиш мандуб (қилиш ихтиёрий, лекин қилмаса гуноҳкор эмас) амал ҳисобланади. Мотуридия таъ-лимотида эса, илмнинг фазилати алоҳида аҳамият касб этади. Буни биз Абул Муин Насафийнинг бар-ча китоблари орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Насафийнинг шоҳ асари – «Табсират ал-адилла» «الكلام في تحديد العلم» (Илми чегаралашдаги баҳс) мав-зуси, «Бахр ал-калом» асари ҳам илм ва маърифат масаласи билан бошланади.

Насафийнинг таъкидлашича, аҳли сунна вал жамоа наздида пайғамбарлар ақли авлиёлар ақ-лидан юқори бўлади ва ўз навбатида Муҳаммад (с.а.в.) ақли бошқа пайғамбарлар ақлидан устун бўлган. Аммо муътазилӣларнинг эътиқодига кўра, барча инсонларнинг ақли бир хил бўлади.

Мотуридия таълимотига кўра, ваҳӣй етиб бормаган халқ Аллоҳни танишда узрли бўлмай-ди. Балки у ўз ақли ва тафаккури билан Худонинг борлигига интилиши керак бўлади. Насафий ушбу фикрга Қуръондан «Каҳф» сураси, 14-оятни далил келтиради (Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:16):

رَبُّنَا رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَنْ نَدْعُو مِنْ دُونِهِ إِلَهًا لَقَدْ قُلْنَا إِذَا شَطَطًا

Маъноси: «Бизнинг Парвардигоримиз осмон-лар ва ернинг Парвардигоридир. Бизлар Ундан ўзга бирон «илоҳ»га ҳаргиз илтижо қилмаймиз. Акс ҳол-да, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз».

Ақл борасида баҳс кетар экан, мотуридия таъ-лимотида инсонларнинг ақл юритиб тафаккур қи-

лишларига тарғиб қилинади. Буни биз юқоридаги мисоллар орқали кўриб турибмиз.

«Бахр ал-калом» асарида мўмин кишига таъриф берилган, яъни қандай инсонни мўмин-муслмон ҳисоблаш кераклиги ҳақидаги баҳсга ҳам лўнда ва аниқ жавоб бериб ўтилган. Аслида имон масаласи долзарблиги билан нафақат ўтмиш, балки бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Бу борада тарихда ўзининг жаҳолати ва қонли қилмишлари билан донг таратган хорижийларга аниқ ва лўнда қилиб раддия берилганини кўришимиз мумкин.

«Бахр ал-калом» асарида хорижийлар ҳақида шундай дейилган: «Хорижийларнинг таъкидлашича, ҳар қандай гуноҳи кабира қилган мўмин шубҳасиз диндан чиқиб қолади ва Али розияллоху анху ҳам хорижийларга қарши чиқиб, уларни ўлдиргани учун кофир ҳисобланади» (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:87*). Насафийнинг таъкидлашича, хорижийлар ушбу ақидасига «Нисо» сураси 14-оятининг зоҳирини хужжат келтирганлар (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:88*):

وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلْهُ نَارًا خَالِدًا فِيهَا  
وَلَهُ عَذَابٌ مُهِينٌ

Оят маъноси: «Ким Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига итоатсизлик қилиб Аллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларига тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур. Ва унинг учун хор қилгувчи азоб бордир».

Насафийнинг айтишича, хорижийлар ушбу оятдаги «холидийна» (абадий қолиш) сўзини шарҳлаб, уни имондан чиқиш деб қатъий таъкидлаганлар. Насафий уларга раддия бериб айтадики, ушбу оятдан мурод – Аллоҳ унда албатта кофирларни назарда тутган. Чунки Аллоҳнинг ҳадларидан тажовуз қилиб чиқиб кетиш куфрдан бошқа нарса эмас (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:90*).

Хорижийлар намозни адо этмайдиган мўминларни диндан чиққанликда айблаб, қуйидаги ҳадисни далил келтирганлар (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:89*):

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «الصلاة عماد الدين، فمن أقامها فقد أقام الدين، ومن تركها فقد هدم الدين». صدق رسول الله صلى الله عليه وسلم. (أخرجه السيوطي في الأحاديث المنتثرة).

Ҳадис маъноси: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Албатта, намоз диннинг устунидир. Ким уни бажарса, бас дин устунини қурган бўлади. Кимда ким уни бажармаса, динни вайрон қилган бўлади». (ас-Суютий «ал-Аҳадис ал-мунта-сира»да келтирган).

Абул Муин Насафий асарда хорижийларнинг ушбу ақидасига қуйидаги оятлар билан раддия беради:

وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ...

Оят маъноси: Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар. («Нур» сураси, 31-оят).

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا تَوْبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ يَوْمَ لَا يُخْزِي اللَّهُ النَّبِيَّ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ نُورُهُمْ يَسْعَىٰ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَنْتُمْ لَنَا نُورٌ وَآغْرًا لَنَا إِنَّا كُنَّا عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

Оят маъноси: «Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки, Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. У Кунда Аллоҳ Пайгамбарни ва у билан бирга имон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдларида ва ўнг томонларида юрур. Улар: «Парвардигоро, ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин. Албатта, Сен барча нарсага қодирдирсан», дерлар». («Таҳрим» сураси, 8-оят).

Насафий юқоридаги икки оятда келган «тавба қилингиз» деган калималарни ишора қилиб айтадики, тавба қилиш фақатгина гуноҳи кабира қилиш орқасидан бўлади (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:89*). Агарда мўмин гуноҳи кабира билан диндан чиқиб қолганда эди, юқоридаги оятларда Аллоҳ уларни тавба қилишга буюрмаган бўлар эди.

Шунингдек, Насафий хорижийлар юқорида далил келтирган «Нисо» сураси, 14-оятни (Оят маъноси: «Ким Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига итоатсизлик қилиб, Аллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларига тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур. Ва унинг учун хор қилгувчи азоб бордир».) қуйидагича тафсир қилади: «Бу оятда Аллоҳ таоло албатта кофирларни назарда тутган. Чунки Аллоҳ белгилаб қўйган ҳадларга (чегара) инсон фақат куфр орқалигина тажовуз қилиши мумкин» (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:90*).

Шу тариқа Абул Муин Насафий хорижийларнинг мутаассиб ақидасига қарши ўзининг раддияларини келтирган.

Энди бугунги кунда Яқин Шарқда ислом нико-би остидаги ИШИД экстремистик жамоаси содир этган хунрезликлар ҳатто юқорида таъкидланган хорижийларнинг қилмишларидан. Мана шундай замонавий экстремистик оқимларга яна «Бахр ал-калом» асари орқали маънавий курашиш энг

тўғри йўл ҳисобланади. Асарга мурожаат қилсак, Насафий ўз даврида реакцион оқимлардан ҳисобланган муътазиллийлар тарихи ва унинг асосчиси Восил ибн Ато ҳақида алоҳида фасл киритган ва муътазиллийларнинг «Аллоҳ ёмон амалларни яратмайди, ёмон амалларни инсоннинг ўзи ҳосил қилади», деган нотўғри эътиқодига раддия бериб ўтган. Асарда таъкидланишича, муътазиллийлар иддао қилишича, агар Аллоҳ ёмонликни банданинг тақдирида яратган бўлса, кейин уни қиёматда жазоласа Аллоҳнинг адолати йўққа чиқиб қолар эмиш (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2014:206*). Насафийнинг таъкидлашича, муътазиллийлар ушбу ақидаларига Куръондан «Нисо» сураси, 93-оятни далил келтирганлар:

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعْنَةُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا

Маъноси: «Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг газаби ва лаънатида дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуг азобни тайёрлаб қўйган».

Улар шунингдек, Нисо сураси, 30-оятни ҳам далил келтирганлар:

وَمَنْ يُفْعَلْ ذَلِكَ غَدُوًّا وَظُلْمًا فَسَوْفَ نُصَلِّيهِ نَارًا وَكَانَ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا

Маъноси: «Ким ҳаддан ошиб, зўравонлик билан шундай ишларни қилса, биз уни дўзахга киритажакмиз. Бу Аллоҳ учун осон бўлган ишдир».

Насафий муътазиллийларнинг бу ақидаларига қарши айнан «Нисо» сурасидан, 48-оятни далил келтиради:

أَشَدَّ مِنْ ذَلِكَ نَبَلٌ لِرَبِّكَ شَيْئًا أَمْ رَفَعْتَهُ لَكَ اللَّهُ نَارًا أَمْ يَطِئُ عَمَّا تُفَعِّلُ يَدَاكَ لِلَّهِ لَكَ شَيْئًا نَوْمًا

Маъноси: «Албатта, Аллоҳ ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошиқа гуноҳларни ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур...»

Насафий муътазиллийларга раддия берар экан, Аллоҳ гуноҳ содир этган бандаларини ўз карами ва фазли билан кечириши мумкинлиги ва бу иш унинг адолатига зид келмаслигини қатъий таъкидлайди ҳамда муътазиллийларнинг юқорида ўз ақидаларига далил келтирган «Нисо» сураси, 93-оятни қуйидагича изоҳлайди:

Ривоят қилинишича, ушбу оят аслида Миқяс ибн Сабоба ал-Киноний деган муртад ҳақида назил бўлган. Миқяс ибн Сабоба акаси Хишом ибн Сабоба қатл қилингандан сўнг акаси учун ўч олиш

мақсадида исломдан чиқиб Бани фахр қабиласидан бўлган мусулмонни ўлдирди. Абул Муин Насафий қайд этишича, Миқяс ушбу ишини ўзига ҳалол ҳисоблаб амалга оширган. Шу туфайли, мазкур оятдаги وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا калимасидан мурод – «кимки мусулмонни қасддан ва уни ўлдиришликни ўзига ҳалол ҳисоблаб ўлдирса» деган маъно келиб чиқади (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2014:207*).

Шу ўринда «Нисо» сураси, 93-оятга диққат билан эътибор қаратадиган бўлсак, Насафий «Баҳр ал-калом»да ушбу оятни муътазиллийларнинг фикрига қарши шарҳлаган ҳолда унинг фикрлари бугунги кундаги ислом ниқобидаги ваҳший тоифаларга ҳам раддия сифатида эътиборга моликдир. Чунки ИШИД каби экстремистик тоифалар уларнинг йўлларига юрмаган, уларга қарши чиққан ҳар қандай мусулмонни қатл қилишни ўзларига ҳалол деб ҳисоблаб олмоқдалар. Демак, уларнинг кофир эканига ва охирадаги аҳволлари аянчли бўлишига ушбу оятни биз аниқ далил сифатида кўрсатишимиз мумкин:

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعْنَةُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا

Маъноси: «Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг газаби ва лаънатида дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуг азобни тайёрлаб қўйган» («Нисо» сураси, 93-оят)

Ислом илоҳиётида яна бир нозик масала борки, унинг асл мазмун-моҳиятини тўғри англаб етмаган мусулмонлар тарихда бир-бирига қарама-қарши бўлган қадария (банда ўз хатти-ҳаракатларини тўлиқ ўзи бажаришини ва бунда Аллоҳнинг иши йўқлигини уқтирган тоифа) ва жабария (қадарийларнинг тескараси, яъни инсоннинг барча амалларини Аллоҳ яратган, шу сабабли инсон қиёматда ўз амалларига жавоб бермаслигини иддао қиладиган тоифа) оқимларига ажралиб кетганлар. Ушбу оқимлар қазо ва қадар масаласида адашиб, Аллоҳнинг азалдан яратган тақдири бўйича ботил эътиқодни илгари сурганлар. Афсуски, бугунги кунда ҳам Аллоҳнинг тақдири бўйича қадарийларнинг изидан бораётган тоифалар бор. Бундай тоифаларга «Ҳизб ат-таҳрир» партиясини мисол келтириш мумкин. Ҳизбчиларнинг «пешво»си бўлган Тақиюддин Набахоний «Исломий шахсият» китобида (Китоб маҳфий нашр этилган, 94-бет) шундай таъкидлаган:

وهذه الأفعال – أي أفعال الإنسان – لا دخل لها بالقضاء ولا دخل للقضاء بها، لأن الإنسان هو الذي قام بها بإرادته واختياره، وعلى ذلك فإن الأفعال الاختيارية لا تدخل تحت القضاء.

*Таржимаси:* «Инсон томонидан содир бўладиган феълларнинг Аллоҳнинг яратган қазосига алоқаси йўқдир ва қазонинг ҳам инсон феълларига боғлиқлиги йўқ. Чунки инсон ўз феълларини ўз иродаси ва ихтиёри билан бажаради».

Набаҳоний ўша китобнинг 97-бетида қазо ва қадар масаласида яна қуйидагича ботил ақидасини илгари сурган:

فتعليق المثوبة أو العقوبة بالهدى والضلال يدل على أن الهداية والضلال هما من فعل الإنسان وليس من الله. إذ لو كانا من الله لما أتاب على الهداية وعاقب على الضلال.

*Таржимаси:* «Ҳидоят ва залолатнинг мукофотлаш ва жазолаш билан боғлиқлиги шунга далилат қиладики, ҳидоят ва адашиш феъллари инсонга боғлиқ. Агар бу иккиси Аллоҳ томонидан бўлганида, У бандасини натижада мукофотламаган ёки жазоламаган бўлар эди».

«Баҳр ал-калом» асарида қазо ва қадар масаласи аниқ далиллар билан раво тилда очиб берилган. Асарда муътазиллийларга раддия берилар экан, шундай таъкидланади: «Муътазиллийлар эътиқодига кўра, феълларнинг (у ёмон ёки яхши феъл бўлишидан қатъи назар) барчасини бандаларнинг ўзлари яратадилар ҳамда улар Аллоҳ томонидан иститоат (хоҳиш) ва қувват берилишига эҳтиёжманд эмаслар» (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:76*).

Насафий бу ботил эътиқодга раддия бериб шундай дейди: «Агар бандалар ўз амалларини ўзлари яратсалар, Аллоҳга шерик бўлиб қоладилар. Ваҳоланки, бизнинг наздимизда (мотуридия таълимотида) феълларни Аллоҳ яратган ва ўша феълларни Аллоҳнинг иродаси, берган иститоати билан банда бажаради. Бунга қуйидаги оятлар далилдир» (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:76*):

وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ

*Оят маъноси:* «Ҳолбуки сизларни ҳам, қилиб олган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!» («Софват» сураси, 96-оят).

الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُنْ لَهُ شَرِيكٌ فِي الْمُلْكِ وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا

*Оят маъноси:* «У – осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган, бола-чақа қилмаган, подшоҳликда бирон шериги бўлмаган ва барча нарсани яратиб (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир» («Фурқон» сураси, 2-оят).

ذَلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ فَاعْبُدُوهُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ

*Оят маъноси:* «Мана шу Аллоҳ Парвардигорингиздир. Ҳеч ҳандай илоҳ йўқ, магар Унинг ўзи

бордир. У ҳамма нарсани яратувчидир. Бас, Унга бандалик қилингиз! У ҳамма нарсанинг устидаги вакил – муҳофаза қилувчидир». («Анъом» сураси, 102-оят).

Насафий далил келтирган мазкур оятлар «Ҳизб ат-тахрир» партиясининг юқоридаги ботил эътиқодларига қарши раддия бўлади.

Шунингдек, «Ҳизб ат-тахрир» партиясида бугунги кунда халифалик зарурлиги ва халифасиз яшайдиган мусулмоннинг имони қабул қилинмаслиги ҳақидаги аҳли сунна вал жамоа ақидасига зид қарашларига ҳам «Баҳр ал-калом» асарида аниқ ва лўнда раддия бериб ўтилган. Асарда таъкидланишича, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадис келган (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2014:229-230*):

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «الخلافة من بعدي ثلاثون سنة، ثم تصير إمارة وملكا». صدق رسول الله صلى الله عليه وسلم. (أخرجه الإمام أبو داود في سننه والإمام الترمذي في سننه).

*Ҳадис маъноси:* «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Мендан кейин халифалик ўттиз йил давом этади ва ундан кейин амирлик ва подшоҳликларга бўлинади». (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ўз «Сунан»ларида келтирганлар).

Насафийнинг таъкидлашича, Умар (р.а.) ва Усмон (р.а.) халифалик даврлари жами 22 йил, Абу Бакр (р.а.) халифалик даври 2 йил, Али (р.а.) халифалик даври 6 йил давом этган. Ҳаммасини қўшиб ҳисобланса пайғамбаримиз таъкидлаб ўтган 30 йил келиб чиқади (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2014:230*).

Демак, мазкур далилдан кўриниб турибдики, бугунги кунда халифаликни даъво қилиш мантиқан нотўғри ҳисобланади.

«Баҳр ал-калом» асарининг яна бир диққатга молик жиҳати шундаки, унда нафақат эътиқодий масалалар, балки инсон учун ҳаётда яхшилик қилиш, боқимандаликдан ўзини асраш, доим эзгулик сари интилишга тарғиб этувчи ривоятлар ўрин олган. Масалан, асарда таъкидланишича, ҳар бир инсоннинг ўнг ва чап елкасида унинг амалларини ёзиб юрувчи иккита фаришта жойлашган. Ўнг елкадаги фаришта яхши амалларни ва чап елкадагиси ёмон амалларни ёзиб боради ва қиёматда ўша инсонга қилган ишлари рўбарў кўрсатилади (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2014:198*). Ушбу ақидани табиийки, муътазиллийлар инкор этганлар. Абул Муин Насафий бу ақидага Куръондан қуйидаги оятларни далил келтиради:

وَأَنَّ عَلَيْكُمْ لِحَافِظِينَ. كِرَامًا كَاتِبِينَ

*Оят маъноси:* «Ҳолбуки, шак-шубҳасиз сизларнинг устингизда (қилган ҳар бир амалингизни) ёд

олиб, ёзиб тургувчи улуг (фаришта)лар бордир». («Инфитор» сураси, 10,11-оятлар).

أَمْ تَحْسَبُونَ أَنَّا لَا نَسْمَعُ سُرُّهُمُ وَنَجْوَاهُمْ بَلَىٰ وَرُسُلْنَا لَدَيْهِمْ يَكْتُبُونَ ﴿١٠﴾

Оят маъноси: «Балки уларнинг гумонларича, Биз уларнинг сирларини (билмасмиз) ва шивир-шивирларини эшитмасмиз?! Ундоқ эмас! Бизнинг элчиларимиз (фаришталар) уларнинг олдидарида (ҳар бир қилган ишларини) ёзиб турурлар!»

«Баҳр ал-калом» асарига «Ғоят ал-маром фи шарҳ «Баҳр ал-калом» номли шарҳ ёзган олим Ҳасан ибн Аби Бақр ал-Мақдисий Насафийнинг ушбу ақидаси шарҳида Расулulloҳдан (с.а.в) қуйидаги ҳадисни далил келтиради (*Maqdisiy Hasan ibn Abi Bakr: 2011:675*):

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «صاحب اليمين أمين على صاحب الشمال، فإذا عمل حسنة أثبتها، وإذا عمل سيئة، قال له صاحب اليمين: أمكثت ست ساعات، فإذا استغفر لم يكتب عليه، وإلا أثبت عليه سيئة». صدق رسول الله صلى الله عليه وسلم. أخرجه الطبراني في المعجم الكبير.

(*Tabaroniy Sulaymon ibn Ahmad ibn Ayyub:2008*)

Ҳадис маъноси: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ўнг елкадаги фаришта чап елкадаги фаришта устидан омонатдор (бошлиқ) дир. Агар инсон яхши амал қилса, уни дарҳол ёзиб қўяди. Борди-ю, ёмон амалларни бажарса, ўнг елкадаги фаришта чап елкадаги фариштага шундай буйруқ беради: «Унга олти соат муҳлат бер. Агар қилган амалига тавба қилиб кечирим сўраса, уни ёзмайсан, агарда тавба қилмаса белгилаб, ёзиб қўясан».

Мазкур ҳадисни «Баҳр ал-калом» ношири Муҳаммад ас-Саййид ал-Барсижий ўз нашрида бошқача матнда келтирган:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «كاتب الحسنات على يمين الرجل، وكاتب السيئات على يسار الرجل، كاتب الحسنات أمير على كاتب السيئات، فإذا عمل حسنة كتبها كاتب اليمين بعشرا، وإذا عمل سيئة قال صاحب اليمين لصاحب الشمال: «دعه سبع ساعات لعله يسيح ويستغفر». صدق رسول الله صلى الله عليه وسلم.

Ҳадис маъноси: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Инсоннинг ўнг елкасида яхши амалларини ёзиб борувчи фаришта ва чап елкасида ёмон амалларини ёзиб борувчи фаришта бўлади. Ўнг елкадаги фаришта чап елкадаги фаришта устидан амир бўлади. Агар инсон яхши амал қилса, ўнг елкадаги фаришта яхши амални ўн баравар ошириб ёзиб қўяди. Агарда инсон ёмон амал қилиб

қўйса, ўнг елкадаги фаришта чап елкадаги фариштага шундай буйруқ беради: «Унга олти соат муҳлат бер, шоядки ўз қилган ёмон ишига тавба қилиб Аллоҳдан кечирим сўраса».

(Изоҳ: мазкур ҳадиснинг арабча матнига эътибор берсак, «Баҳр ал-калом» ношири Муҳаммад ас-Саййид ал-Барсижий ҳадис матнида келган

بعشرا жумласидаги فإذا عمل حسنة كتبها كاتب اليمين بعشرا сўзини нотўғри ифодалаган. Грамматик нуқтаи назардан ушбу калима аслида عشرة ёки عشر шаклида ёзилиши керак).

Энди ушбу ақида ва ҳадисга аҳамият берсак, ушбу ақида ва унга мувофиқ келган ҳадис орқали инсон доим қиёматда яхшиликдан умидвор бўлиб яшайди ва доимо хайрли ишлар қилишга ҳаракат қилади. Абул Муин Насафийнинг «Баҳр ал-калом» асарида келган ушбу ақидавий масала бугунги кунда билиб билмай хато ишлар қилиб қўйганларни кофирликда айблаб, қиёматда хору зорликка дучор бўлишини даъво қилиб, уларда ноумидлик кайфиятини уйғотаётган экстремистик оқимларга раддия бўлади.

«Баҳр ал-калом» асарида инсоннинг боқимандалик, дангасалиқдан доим йироқда бўлиши ва доим ҳалол меҳнат ва касб қилишига ризқ ва касб қилиш масаласи фаслида алоҳида тўхталиб ўтилган. Чунки бугунги кунда, бозор иқтисодиёти замонида инсоннинг тадбиркор бўлиши ва ҳалол йўл билан меҳнат қилиб оила тебратиши катта аҳамият касб этади. Асарда келтирилган мисоллар юртимизда порахўрлик, судхўрлик каби иллатларнинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Абул Муин Насафий «Баҳр ал-калом» асарида бойлик ва касб масаласига алоҳида фасл ажратган. Унда бойликнинг ҳар бир мусулмон учун зарур экани, фақат у ҳалол йўл билан топилиши алоҳида уқтирилади. Насафий асарда Абу Лайс Самарқандийнинг (*Abdullayev A., 2001:28-32*) «сабр қилувчи фақир шуқр қилувчи бойдан афзалдир» деган фикрини келтиради (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:105*). Насафий ўз фикрини давом эттириб, «сабр қилувчи фақир эса, бахил бойдан афзалдир», деб айтади.

Насафийнинг таъкидлашича, айрим уламолар бойликни фақирликдан мутлақ устун қўйганлар ва бундай олимлар Куръондан «Зухо» сураси, 7,8-оятларни далил келтирганларини айтади:

وَوَجَدَكَ ضَالًّا فَهَدَىٰ. وَوَجَدَكَ عَائِلًا فَأَغْنَىٰ

Оят маъноси: «У зот сизни гумроҳ-гофил ҳолда топиб, (Ҳақ йўлига) ҳидоят қилиб қўйди-ку! У зот сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўйди-ку!»

Уларнинг эътироф этишларича, ушбу оятда Аллоҳ гумроҳликдан ҳидоятни ва ўз навбатида камбағалликдан бойликни устун қўймоқда. Шу сабаб-



ли ҳам, Довуд, Сулаймон, Юсуф, Иброҳим, Мусо ва Шуайб (алайҳимис салом) каби пайғамбарлар ҳамда саҳобаларнинг аксариятлари бой бўлганлар (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:105*).

Насафий асарнинг давомида энди фақирликни бойликдан устун қўйган уламоларнинг ақидаларини келтириб ўтади ва улар Куръондан Алақ сураси, 6,7-оятларни далил келтирганларини таъкидлайди:

كَلَّا إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنَّاظٍ  
أَنَّ رَأَهُ اسْتَعْتَى.

Оят маъноси: «Дарҳақиқат, (кофир) инсон ўзини бой-беҳожат кўради, албатта тугёнга тундир – ҳаддидан ошар».

Фақирликни устун қўйувчи олимлар Расулulloҳдан (с.а.в.) куйидаги ҳадис далил келтирилганини таъкидлайдилар:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «اللهم أحييني مسكينا وأمتي مسكينا واحشروني في زمرة المساكين». صدق رسول الله صلى الله عليه وسلم. أخرجه الترمذي في كتاب الزهد.

Ҳадис маъноси: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Эй Аллоҳим! Мени мискин қилиб тирилтиргин ва мискин ҳолатда жонимни олгин ҳамда мискинлар жамоасида жам қилгин».

Насафий ҳам бу борада бойликдан фақирликнинг афзал эканини таъкидловчи олимларни қўллаб-қувватлайди ва Имом Термизийнинг «Китоб аз-зуҳд»идаги «Фақирлар қиёматда бойлардан ярим кун аввал жаннатга кирадилар» ҳадисини келтиради. Насафий ушбу ҳадисни шарҳлар экан, матндаги ярим кун биз яшаётган дунёдаги беш юз йилга тенг эканини айтади (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:108*).

Насафий ўз фикрида мустаҳкам турган ҳолда пайғамбарлардан Яхё, Исо, Закариё (алайҳимис салом)лар фақирона ҳаёт кечирганларини таъкидлайди ва юқорида бойликни устун қўйган олимларнинг далилларига куйидагича шарҳ беради: «Зухо» сурасининг 6,7-оятларидан мурод шуки, (оят маъноси: *У зот сизни гумроҳ-гофил ҳолда топиб, (Ҳақ йўлига) ҳидоят қилиб қўйди-ку!* “У зот сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўйди-ку!”) бу ерда Аллоҳ бандаларини камбағал ҳолда топиб уларни қаноатда, сабрда бой қилиб қўйганини таъкидламоқда. Чунки қаноат ҳеч ҳачон тугамайдиган бойликдир.

Улар назарда тутган Довуд, Сулаймон, Юсуф, Иброҳим, Мусо ва Шуайб (алайҳимис салом) каби пайғамбарлар эса, аслида молу-дунёда эмас, балки қалб поклигида, нафс тўқлигида ва илмда бой бўлганлар» (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:108*).

Шу тариқа Абул Муин Насафий фақирликни бойликдан устун қўяди ва инсоннинг ҳалол меҳнат

қилиши ва касб-кор билан машғул бўлиши лозимлигини кейинги фаслда мисоллар билан ёритиб беради.

Асарда таъкидланишича, қадарийлар (*Abu Abdulloh Omir. 1996:216*) наздида инсоннинг бирон касб қилиши ва шу орқали мол топиши зарур эмас. Аҳли сунна вал жамоа ақидасига кўра, агар инсоннинг қорни тўядиган даражада егулиги бўлса, унга касб қилиш суннат ва мубоҳ бўлади. Агарда егулиги ҳам, егулик сотиб олиш учун пули ҳам бўлмаса, бундай инсонга касб қилиш рухсатли (ижозат) бўлади. Агарда инсоннинг оиласи, бола-чақаси бўлсаю, ҳоли танг бўлса, унга касб қилиш фарз ҳисобланади (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:109*).

Насафийнинг таъкидлашича, мутақашшифа, қарромий каби адашган оқимларнинг наздида касб қилиш ва мол ушлаб туриш ҳаром ҳисобланган. Бу тоифалар ўзларининг бу ақидаларига Куръондан «Иброҳим» сураси, 12-оятни далил келтирганлар:

... وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُتَوَكِّلُونَ

Оят маъноси: «Таваккул қилувчилар ёлғиз Аллоҳга таваккул қилсинлар».

Мутақашшифалар ушбу оятни шарҳлаб, касб қилишлик бандадан таваккулни кўтаради ва бандда ўз топган молини шу касбдан деб билади, деб таъкидлаганлар. Бу эса нотўғридир, чунки Аллоҳ инсонни унинг касбидан ташқари нарсаси билан ҳам ризклантираверади.

Кўриниб турибдики, мутақашшифаларнинг ушбу ақидалари инсонни тўлиқ боқиманда ва халқ тили билан айтганда «олма пиш, оғзимга туш» қабилда ҳаёт кечиршига тарғиб қилади. Абул Муин Насафий айнан шу хавотирни даф қилиш мақсадида уларга куйидагича раддия беради:

«Биз айтамызки, Аллоҳга таваккул қилиш ҳақиқатан инсон учун фарзидир. Лекин касб қилиб мол топиш таваккулни йўққа чиқармайди. Чунки таваккул қалбда бўлади ва Аллоҳга ишонч, кўрқув ва умидни келтириб чиқаради» (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:110*).

Ризқни Аллоҳдан эмас, ўз касбидан деб билиш ширк амалидир. Лекин касб қилиш инсоннинг Аллоҳ ато этган ризққа эришишида восита бўлади. Насафий пайғамбаримиздан куйидаги ҳадисни далил келтиради:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «من طلب الدنيا حلالا واستغفارا عن المسئلة وسعيا علي عياله وتعطفا علي جاره، جاء يوم القيامة وجهه كالقمر ليلة البدر، ومن طلب الدنيا حلالا مفاخرًا متكاثرا لفي الله تعالى يوم القيامة وهو عليه غضبان». صدق رسول الله صلى الله عليه وسلم. أخرجه ابن أبي شيبة في مصنفه.

*Ҳадис маъноси: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Кимки турли риёлардан четлашган ҳолда, ўз оиласи ва қўйнигига инъом қилиши учун ҳалол йўл билан мол-у дунё топса, қиёмат куни унинг юзи худди бадр кечасидаги тўлин ойдек бўлади. Агарда кимки кўп ифтихор ва риё учун ҳалол йўл билан бўлса ҳам мол-у дунё топса, қиёмат куни Аллоҳ унга газабли ҳолда дуч келади».*

Насафий ўз фикрларига хотима ясаган ҳолда таъкидлайдики, соғлом инсон учун касб қилиш ва ҳалол меҳнат билан пул топиш фарздир. Чунки Аллоҳ «Бақара» сураси, 267-оятда ҳам инсонларни ҳалол йўл билан мол топишга буюрган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفِقُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ

*Оят маъноси: «Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз!»*

Насафийнинг таъкидлашича, ушбу оятда Аллоҳ эҳсон қилишга буюрмоқда. Агарда касб қилиш ҳаром бўлганида, бандалар эҳсон қилишга буюрилмаган бўларди. Шу тариқа инсон ҳалол меҳнат қилишга жазм қилиши керак. Чунки пайғамбарлар ҳам Аллоҳга таваккул қилувчи ва касб қилувчи бўлганлар. Шундан кўриниб турибдики, ҳалол йўл билан меҳнат қилиш ҳеч қачон ҳаром ҳисобланмаган (*Nasafiy Abu-l-Mu'in. 2005:111*).

Хулоса қиладиган бўлсак, Абул Муин Насафийнинг «Баҳр ал-калом» асарида нафақат ақидавий мавзулар, балки инсон ҳаётида ҳалол йўл билан яшашга тарғиб қилинган. Шунингдек, асарда Насафий ўша даврдаги адашган оқимларга энг зарурий ақидавий масалаларни осон тил билан ёритиб раддия берган. Насафийнинг «Баҳр ал-калом» асарида нафақат мотуридия таълимоти, балки аҳли сунна вал жамоа ақидасида бўлган бошқа уламоларнинг фикрлари ҳам бағрикенглик нуқтаи назаридан ёритилганига гувоҳ бўламиз. Шу жиҳатдан мазкур асарнинг бугунги кунда ҳам жамиятимизда соғлом турмуш тарзини яратиш, ёшларимиз онгини турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш ва боқимандалик каби иллатлардан огоҳ этишдаги аҳамияти каттадир.

#### ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ash'ariy, Abul Hasan Ali ibn Ismoil. (1994) AL-IBONA AN USUL AD-DIYANA / Abbos Sabbog' nashrga tayyorlagan. – Bayrut: «Dor an-nafois» nashriyoti.
2. Abu Abdulloh Omir. (1996) MU'JAM AL-ALFOZ. Abdulloh ibn Abdurahmon al-Jabrayn nashri.– Ar-Riyod: Maktabat al-abiykla.

3. Abu Azba Hasan ibn Abdulmuhsin. (1996) AR-RAVZAT AL-BAHIYA FIMA BAYNAL ASHAIRA VAL MOTURIDIYA. Ali Farid Daxruj nashrga tayyorlagan. – Bayrut: «Dor sabil al-irshod».
4. Ahmad ibn Avazulloh al-Hazbiy. (2000) AL-MATURIDIYA: DIROSATAN VA TAQVIMAN. – Ar-Riyod: «Dor as-samiy».
5. Abdullayev, Abdurashid (2001). «ABU-L-LAYS AS-SAMARQANDIYNING HAYOTI VA IJODI», TIU ilmiy tahliliy axboroti, 2001(1), 6.
6. Ahmet, Ak. (2008) BÜYÜK TÜRK ÂLİMİ MÂTURÎDÎ VE MÂTURÎDÎLİK: Monografiya. – Istanbul: İnönü Üniversitesi İlahiyat Fakültesi.
7. Kutlu, Sönmes. (2003) MÂTÜRÎDÎLİĞİN TARİHİ ARKA PLANI: Monografiya. – Ankara.
8. Maqdisiy, Hasan ibn Abi Bakr. (2011) G'UYAT AL-MAROM FI SHARH «BAHR AL-KALOM». – Qohira: «al-Maktaba al-azhariya lit tuross» nashriyoti.
9. MAKHSUDOV, Davronbek (2019) «MUSLIM WORLD SCIENTISTS OF THE TEMURIDS PERIOD», The Light of Islam, 2019(3), 4. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss3/4>
10. Moturidiy, Abu Mansur. (1979) KITOB AT-TAVHID / Fathulloh Xulayf nashrga tayyorlagan. – Istanbul: al-Maktabat al-islomiya.
11. Nasafiy, Abu-l-Mu'in. (2000) BAHR AL-KALOM. Valiyuddin Muhammad Solih al-Farfur nashrga tayyorlagan. – Damashq: «Maktaba Dor al-Farfur».
12. Nasafiy, Abu-l-Mu'in. (2005) BAHR AL-KALOM. Sayyid Yusuf Ahmad nashrga tayyorlagan. – Bayrut: «Dor al-kutub al-ilmiya».
13. Nasafiy, Abu-l-Mu'in. (2014) BAHR AL-KALOM. Muhammad as-Sayyid al-Barsijiy nashrga tayyorlagan. – Ummon: «Dor al-fath».
14. Otay, Husayn. (1978) Fahreddin Razi'nin kalam ilmindeki yeri. Faxruddin ar-Roziyning «al-Mufassal» asarining turkcha tarjimasiga yozilgan kirish so'zi: KELAMA GIRIŞ. – Ankara.
15. Oqilov, Saidmukhtor. (2008) ABUL MUIN AN-NASAFIY ILMIY MEROSI VA MOTURIDIYA TA'LIMOTI: Monografiya. – Toshkent: «Muharrir».
16. Oqilov, Saidmukhtor. (2008) KALOM (AQOID): O'quv qo'llanma. – Toshkent: «TIU» nashriyoti.
17. Oqilov, Saidmukhtor. (2017) ABU MANSUR AL-MOTURIDIY ILMIY MEROSI VA MOTURIDIYA TA'LIMOTI: Monografiya. – Toshkent: «Hilol-nashr» nashriyoti.
18. Palvanov, O'ktam Bazarbayevich (2019). «ALLAMA SA'DUDDIN AL-TAFTAZANI»: prominent scholar of the Hanafi-Maturidi school. Philadelphia: – Theoretical & Applied Science: 2019. Issue: 06. Volume: 74;
19. Sagdiev, Khabibullo (2016). «ISTORIYA NAIMENOVANIYA TEOLOGICHESKOY NAUKI ('ILM AL-'AKIDA) «KALAMOM», Rossiya i musulmanskij mir: Vol. 2016 : Iss. 5 , Article 12.
20. Tabaroniy, Sulaymon ibn Ahmad ibn Ayyub. (2008) AL-MU'JAM AL-KABIR. Hamdiy Abdulmajid nashrga tayyorlagan. – Qohira: «Maktaba ibn Taymiya» nashriyoti.